

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.F.01.05 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ
ҚОРАҚАЛПОҚ ТАБИИЙ ФАҢЛАР ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ**

ПАЛВАНИЯЗОВ АЛИШЕР ЮСУПБАЕВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОНДА ЁШ ОИЛАЛАРНИНГ БАРҚАРОРЛИК ОМИЛЛАРИ
(ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МИСОЛИДА)**

**22.00.02 – Ижтимоий тузилиш, ижтимоий институтлар
ва турмуш тарзи социологияси**

**СОЦИОЛОГИЯ ФАҢЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент - 2019 йил

**Социология фанлари буйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундаражаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
социологическим наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on sociology
sciences**

Палваниззов Алишер Юсупбаевич Ўзбекистонда ёш оилаларнинг барқарорлик омиллари (Қорақалпоғистон Республикаси мисолида).....	3
Палваниззов Алишер Юсупбаевич Факторы стабильности молодой семьи в Узбекистане (На примере Республики Каракалпакстан)	21
Palvaniyazov Alisher Yusupbaevich Factors of stability young families in Uzbekistan (Similar to Republic of Karakalpakstan)	41
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works	45

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.F.01.05 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ
ҚОРАҚАЛПОҚ ТАБИИЙ ФАҢЛАР ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ**

ПАЛВАНИЯЗОВ АЛИШЕР ЮСУПБАЕВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОНДА ЁШ ОИЛАЛАРНИНГ БАРҚАРОРЛИК ОМИЛЛАРИ
(ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МИСОЛИДА)**

**22.00.02 – Ижтимоий тузилиш, ижтимоий институтлар
ва турмуш тарзи социологияси**

**СОЦИОЛОГИЯ ФАҢЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент - 2019 йил

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2018.3.PhD//Sots32 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими Қорақалпоқ табиий фанлар илмий-тадқиқот институтида бажарилган

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.fs-ik.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Ганиева Марифат Хабибовна**
социология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Умаров Абдусалом Адилевич**
социология фанлари доктори, профессор

Камалова Хатира Сабировна
социология фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот: **Тошкент темир йўл муҳандислари институти**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.F.01.05 рақамли Илмий кенгаш асосидаги бир марталик Илмий кенгашининг 2019 йил «__» _____ соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. Ўзбекистон Миллий университети Ижтимоий фанлар факультети биноси, 5-қават, 511-хона. Тел.: (99871) 246-02-24, факс: (99871) 246-02-24, e-mail: nauka@nuu.uz).

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. Тел.: (99871) 246-02-24; факс: (99871) 246-02-24.)

Диссертация автореферати 2019 йил «__» _____ кун тарқатилди.
(2019 йил «__» _____ даги № _____ рақамли реестр баённомаси).

И.Р.Хўжамуродов
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, фалсафа
фанлари доктори, профессор

Н.Б.Абдуллаева
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш ҳузуридаги бир
марталик илмий кенгаш котиби,
фалсафа фанлари доктори

Т.Б.Матибаев
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш ҳузуридаги бир
марталик илмий семинар раиси,
социология фанлари доктори

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳоннинг ривожланган давлатларида репродуктив ёшдаги аҳоли қатлами орасида шахсий-индивидуал эҳтиёжлар устувор аҳамият касб этиб, оила қуриш, фарзандларни дунёга келтириш, барқарор оилавий ҳаёт тарзи ўтмишга айланиб бормоқда. Никоҳга кириш ёши муддатининг узайиб бориши, анъанавий оилавий турмуш тарзига зид муносабат шакллари оммалашуви ёш оилаларда оилавий турмуш ва индивидуал етукликка эришиш истаги ўртасидаги мувозанатга путур етказмоқда. Бу каби ҳолатларнинг эскалациясини олдини олиш учун ёш оила шаклланиши, ривожланишининг барча жиҳатларини комплекс тарзда тадқиқ этиш зарурияти пайдо бўлмоқда.

Жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида оила, хусусан ёш оила барқарорлигини таъминлаш омилларини тадқиқ қилишга йўналтирилган илмий изланишлар олиб борилмоқда. Жумладан, болалар, ёшлар ва оилавий муносабатларни миллий ва халқаро даражадаги таҳлили, оилага хизмат кўрсатиш марказлари ҳамда учинчи сектор ташкилотлари билан ҳамкорликнинг самарадорлиги, оилаларни қўллаб-қувватлашнинг усуллари ва механизмлари, оиланинг тарихий қонуниятлари, демографик функцияларининг замонавий жараёнларга мутаносиб тарзда ўзгариб боришига оид махсус тадқиқотлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси¹даги «Ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг устувор йўналишлари» нинг 4.2-бандида: «Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш» қилиб белгиланган. Глобаллашув жараёни оила ва жамиятда аёллар мақомини ошириш, баркамол авлод тарбияси, оилаларга айниқса, ёш оилаларга кўмаклашиш, ёшлар орасида соғлом турмуш тарзини таъминлаш, имконияти чекланган ва ижтимоий ҳимояга муҳтож ёшларни маънавий ва моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ҳамда ёш оилалар билан амалга ошириладиган ижтимоий иш йўналишларини аниқлаш, ўрганиш, таҳлил этиш заруриятини келтириб чиқармоқда. Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистонда ёш оилаларнинг барқарорлик омилларини Қорақалпоғистон республикаси мисолида социологик тадқиқотлар нуқтаи назаридан тадқиқ этиш, ҳамда илмий-назарий аҳамиятга эга бўлган хулосаларни ишлаб чиқиш долзарб вазифа ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелдаги 608-І-сон «Оила кодекси», Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 14 сентябрдаги «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2017 йил 17 февралдаги ПФ-4962-сон «Ёш оилаларни моддий

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.

ва маънавий кўллаб-қувватлашга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2017 йил 5 июлдаги ПФ-5106 сон «Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини кўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги, 2018 йил 2 февралдаги ПФ-5325-сон «Хотин-қизларни кўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2018 йил 27 июндаги «Ўзбекистон Республикасида оила институтини мустаҳкамлаш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори ҳамда мавзуга оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Ушбу тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ғарб мутафаккирлари ва файласуфлари оилани социо-маданий ҳодиса ва жамиятни ижтимоийлашувига хизмат қилувчи асосий омил сифатида кўрсатганлар. Ушбу йўналиш Платон, Аристотель, Ф.Бекон, Т.Гоббс, И.Кант ва бошқаларнинг асарларида ўз аксини топган.

М.Вебер, Э.Дюркгейм, О.Конт, М.Мид, Т.Парсонс, П.Сорокин ва бошқалар оила-жамият муносабатларидаги ўзаро таъсир ва ўзаро манфаатли боғлиқлик муаммоларини чуқур таҳлил этиб, оила шакллари туркумлаганлар.

XIX аср охирига келиб Р.Хилл, Ч.Кули, Ф.Ле-Пле ва бошқа олимлар оиланинг қариндош-уруғчилик муносабатлари доирасидан «эр-хотинлик» оиласи даражасигача торайиб бориши қонуниятларини ўрганганлар. Оила «социал гуруҳлар» га мансублик нуқтаи назаридан «алоҳида хусусиятли бирламчи гуруҳ» сифатида таърифланиб «нуклеар оила» ғоясининг шаклланишига асос бўлди. Ушбу назарий ёндашув У. Джеймс, Ф.Знанецкий, У.Томас, З.Фрейдлар томонидан такомиллаштирилган. Улар шахс ва оила ўртасидаги ўзаро алоқа бирламчи, шахслараро муносабатлар муаммоларни таҳлил этишган.

Оиланинг ўзига хослиги хусусида Э.Гидденснинг илмий ҳиссасини алоҳида кўрсатиш жоиз. Унинг тадқиқотларида оила институти турли шакллари тарихий динамикаси, авлодлараро қадриятли, социо-маданий ворисликни таъминланишидаги роли, никоҳ истиқболлари ва ривожланиш тенденциялари, оилавий-никоҳ муносабатларининг анъанавий ва муқобил шакллари нисбатининг назарий-методологик асослари яратилган. У.Бек тадқиқотларида оиланинг анъанавийликдан чекиниш ва замонавий жамиятдан постмодерн жамиятга қадар бўлган динамикаси кўрсатилган.

Оила институти ижтимоий функцияларининг трансформацияси билан боғлиқ ҳодисалар Россия тадқиқотчилари тадқиқотларида ўз аксини топган. А.И.Антонов, И.В.Бестужев-Лада, С.И.Голод, А.Г.Харчев, В.А.Ядов Т.М.Афанасьев, В.М.Медков, А.Б.Синельников каби олимлар тадқиқотларида замонавий Россия оилаларидаги янги тенденциялар тавсифланган.

Ўзбекистонда амалга оширилган илмий тадқиқотлар ичида ўзбекларнинг оилавий ҳаёти, этник хусусиятлари, анъанавий турмуш тарзининг маданий тавсифлари, маънавий-маърифий хусусиятларига доир илмий ишларни алоҳида кўрсатиш лозим. Хусусан, О.Б.Атамирзаев, З.Х.Арифханова, М.Х.Ганиева, И.М.Жабборов, О.Бўриев, Ў.Қаюмов, Н.М.Латипова, А.Ф.Моногарова, Қ.Насриддинов, Ф.М.Отахўжаев, З.Расулова, Ш.М.Содикова, Р.А.Убайдуллаева, Р.А.Умурзакова, И.Шоймардонов, М.Холматоваларнинг илмий тадқиқотларида ўзбек оиласи тарихи, оилавий ва жамоавий турмушнинг ўзига хосликлари, урф-одат ва маросимлар, анъанавий оила шакллари борасида кенг қамровли маълумотлар жамланган. Никоҳ ва оиланинг ижтимоий-психологик хусусиятлари Ғ.Б.Шоумаров, Н.Х.Лутфуллаева, М.М.Умаровалар оила ва никоҳ муносабатларининг ҳуқуқий жиҳатлари Ф.М.Отахўжаевлар¹ томонидан тадқиқ этилган. Ушбу тадқиқотчиларнинг илмий изланишлари объекти сифатида оила барқарорлиги, унинг бутунлиги ва мустаҳкамлиги омиллари, эр-хотин муносабатлари муаммолари олинган.

Аммо, ушбу тадқиқотларда жамиятни модернизациялаш шароитида ёш оилаларнинг ижтимоий муаммолари, унинг мустаҳкамлиги ва барқарорлиги омилларига бағишланган социологик тадқиқотлар амалга оширилмаган. Шу боис, ёш оилалар барқарорлигига таҳдид солувчи янги тенденциялар, анъанавий оилавий функциялар амалиёти тизимида путур етказувчи омилларнинг илмий ўрганилиши долзарб муаммо ҳисобланади.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий тадқиқот институтининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация 2012-2014 йил ФА-А2-Г006 рақамли «Қорақалпоғистон Республикасида саноат ишлаб чиқаришини минтақанинг ресурс салоҳиятидан комплекс фойдаланиш асосида такомиллаштириш» мавзусида амалга оширилган илмий-тадқиқот лойиҳаси ҳамда Ўзбекистон Миллий университетининг «Жамиятнинг барқарор тараққиёти концепцияси асосида социал жараёнлар ва ҳодисаларни тадқиқ этиш» илмий тадқиқот ишлари режаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Ўзбекистонда ёш оилалар мустаҳкамлиги ва барқарорлигининг омилларини асослаб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

оила ва никоҳ муаммоларининг социологик тадқиқ этилишидаги замонавий назарий ёндашувлар ва концептуал ғояларни таҳлил қилиш;

«ёш оила» тушунчасини таҳлил этиш ва унинг замонавий хусусиятларини кўрсатиш;

жамиятни модернизациялаш шароитида замонавий ёш оила моделини тавсифлаш;

ёш оилалар билан амалга ошириладиган ижтимоий иш йўналишларини аниқлаш;

Қорақалпоғистон ёшлари ижтимоий онгида оила ва никоҳ муносабатлари инъикосини социологик тадқиқ этиш;

¹ Мазкур мутафаккирлар, олим ва тадқиқотчиларнинг асарлари диссертациянинг “Фойдаланилган адабиётлар рўйхати” да келтирилган.

модернизациялашаётган жамиятда ёш оила барқарорлигини таъминловчи омиллар ва механизмларни такомиллаштириш.

Тадқиқотнинг объекти Ўзбекистоннинг замонавий тараққиёти босқичидаги ёш оилалар.

Тадқиқотнинг предмети модернизациялашаётган жамият шароитида ёш оилаларнинг барқарорлик омиллари.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда қиёсий, тузилмали-функционал таҳлил, моделлаштириш, статистик таҳлил, сифатли ва миқдорий тадқиқот методлари: анкетали сўров ва ички кузатув каби илмий тадқиқот усуллари қўлланган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

кадриятлар ва авлодлараро муносабатлардаги ўзгаришларнинг оила институти стереотипларининг заифлашувига таъсири очиб берилган ҳамда оиланинг персоналитар, ижтимоийлашув функциялари асослаб берилган;

оилада эр-хотин иттифоқи, ота-оналар ва болалар ўртасидаги алоқанинг заифлашуви, хўжалик юретишнинг парчаланиши «муаммоли», «зиддиятли», «таназзулли» ёш оилалар вужудга келишининг омиллари эканлиги очиб берилган;

мультидисциплинар назарий ёндашувлар ва эмпирик тадқиқотлар уйғунлигида «замонавий ёш оила» модели ишлаб чиқилган, унинг глобал ва локал хусусиятларининг ўзаро алоқадорлиги илмий жиҳатдан асосланган;

Қорақалпоғистонда ёш оилалар барқарорлигини таъминловчи институционал компонентлар, механизмларни такомиллаштириш учун давлат ва жамият институтларининг компенсаторлик вазифасини кучайтиришга оид тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Ёш оиланинг жамият устувор кадрияти сифатидаги мазмуни ва кадр ўлчови кўрсаткичлари таҳлили амалга оширилган. Ўзбекистонда ёш оилалар ва улардаги муаммолар ечимини топишда профессионал ижтимоий иш фаолиятининг концептуал асослари кўрсатиб берилган. Модернизациялашаётган жамият шароитида ёш оилалар трансформацион жараёнларни қай тарзда бошидан кечираётганлигининг социал индикаторлари аниқланган.

Ёш оилаларга манзилли ижтимоий хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш, ёш оилаларга йўналтирилган давлат сиёсатининг стратегик мақсадларига мутаносиб ҳолда кўмаклашиш, зарурий шарт-шароитларни яратиш борасида таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги республика ва халқаро миқёсдаги илмий-услугий ва илмий-амалий конференция материаллари тўпламлари, ОАК рўйхатидаги махсус журналлар ҳамда хорижий илмий журналларда чоп этилган мақолалар, ўтказилган социологик сўровлар, интервьюлар, хулосалар, таклиф ҳамда тавсияларнинг амалиётда жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Диссертацияда илгари сурилган ғоялар ва назарий хулосалардан социология, оила социологияси, ижтимоий иш соҳасида ўтказиладиган тадқиқотлар ҳамда методологик ёндашувларни такомиллаштиришда илмий-услубий асос сифатида фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, олинган маълумотлар ва хулосалар ёшлар, ўсмирларни оилавий ҳаётга тайёрлаш дастурларини ишлаб чиқиш, никоҳ-оилавий муносабатлар маслаҳатчилари, ижтимоий иш ходимлари фаолиятида қўлланилиши мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий этилиши. Ўзбекистонда ёш оилаларнинг барқарорлик омилларига оид тақлифлар асосида:

кадриятлар ва авлодлараро муносабатлардаги ўзгаришларнинг оила институти стереотипларининг заифлашувига таъсири очиб берилган ҳамда оиланинг персоналитар, ижтимоийлашув функцияларига оид хулосалардан Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Қорақалпоғистон бўлимининг 2016 йил 5-февралда қабул қилинган «Маҳаллаларда оилаларни маънавий қўллаб-қувватлаш, соғлом ва баркамол авлодни шакллантириш, ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш» га доир чора-тадбирлар дастурининг 2,5,7,8,10,14,15,16 бандларини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Қорақалпоғистон Республикаси бўлим бошқарувининг 2016 йил 9 сентябрдаги 1-3/195 сон далолатномаси). Мазкур тақлифларнинг амалиётга жорий қилиниши ёш оилаларга ғамхўрлик, уларнинг ҳуқуқий ва ижтимоий муҳофазасини таъминлашга хизмат қилган;

оилада эр-хотин иттифоқи, ота-оналар ва болалар ўртасидаги алоқанинг заифлашуви, хўжалик юритишнинг парчаланиши «муаммоли», «зиддиятли», «таназзулли» ёш оилалар вужудга келишининг омилларига оид хулосалардан Қорақалпоғистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси ишлар режасининг 3-«Оиладаги маънавий-ахлоқий муҳитни шакллантириш, уларнинг маънавий ва маданий ривожланиш даражаларини ошириш, ижодий потенциалини кўтариш, замонавий билимларни эгаллаш имкониятларини кенгайтириш» номли бандини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Қорақалпоғистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитасининг 2016 йил 27 сентябрдаги 11-09/26 сон маълумотномаси). Илмий натижанинг қўлланилиши жойларда оила маънавиятини юксалтириш, оналикни муҳофаза қилиш тўғрисидаги тушунтириш ишларини самарали олиб бориш имконини берган;

мультидисциплинар назарий ёндашувлар ва эмпирик тадқиқотлар уйғунлигида «замонавий ёш оила» модели ишлаб чиқилган, унинг глобал ва локал хусусиятларининг ўзаро алоқадорлигига ҳамда Қорақалпоғистонда ёш оилалар барқарорлигини таъминловчи институционал компонентлар, механизмларни такомиллаштириш учун давлат ва жамият институтларининг компенсаторлик вазифасини кучайтиришга оид тавсиялардан 2016 йилда чоп этилган «Социологиянинг назарий-методологик муаммолари» номли ўқув қўлланманинг «Замонавий жамиятнинг ижтимоий тузилмаси» мавзусини тайёрлашда фойдаланилган. (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 04 декабрдаги 89-03-4195 сон

маълумотномаси). Илгари сурилган илмий хулосалар Ўзбекистонда ёш оилаларнинг барқарорлигини таъминлашда ҳамда ўқув қўлланманинг назарий-методологик асослар билан бойитишга хизмат қилган;

Қорақалпоғистонда ёш оилалар барқарорлигини таъминловчи институционал компонентлар, механизмларни такомиллаштириш учун давлат ва жамият институтларининг компенсаторлик вазифасини кучайтиришга оид тавсиялардан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Оила» илмий-амалий тадқиқот маркази томонидан таълим муассасаларида ёшларни турмушга тайёрлаш, эрта нигоҳнинг салбий оқибатлари, репротуктив саломатлик масалалари буйича билим даражаси ва кўникмаларини ошириш мақсадида ташкил этилган «Маънавият оиладан бошланади», «Оилавий тарбия: тажриба ва келгуси вазифалар», «Оила жамиятнинг муҳим буғини» мавзусидаги семинарларни ўтказишда фойдаланилган. Шунингдек, ушбу хулосалардан марказни ишлар режасининг «Оилаларнинг ижтимоий-маънавий муҳитини соғломлаштириш, бола тарбиясида ота-онанинг ўрни ва оилалар маънавиятини ошириш» номли бандини ишлаб чиқишда фойдаланилган. (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Оила» илмий-амалий тадқиқот марказининг 2019 йил 12 февралдаги 154 сон далолатномаси). Мазкур илмий натижаларининг қўлланилиши ёш эр-хотинлар ўртасида учраб турадиган ҳар хил зиддиятларни аниқлаш, ўрганиш, таҳлил этиш ва олдини олишда, ёш оилаларда соғлом турмуш тарзини тарғибот қилишда ҳамда жамиятда оилавий ажримлар сони камайишига эришишда хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 9 та республика илмий-амалий анжуманларида апробациядан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларнинг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси буйича жами 18 та илмий иш чоп этилган, жумладан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан, 5 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация ҳажми 149 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Модернизациялашаётган жамият шароитида оилани ўрганишнинг назарий-методологик асослари**» деб номланган биринчи бобида «оила» атамасининг назарий-методологик таҳлили амалга оширилган. Оила социал институт ва кичик гуруҳ сифатида таърифланган асосий илмий ёндашувлар асосида ёш оилалар ўзига хос социал гуруҳ сифатида ўрганилган. Модернизациялаш концепцияси асосида оила ва оилавий кадриятларнинг ривожланиш тенденциялари тадқиқ этилган. Ёш оиланинг жамият устувор кадрияти сифатидаги мазмуни ва кадри ўлчови кўрсаткичлари таҳлили амалга оширилган.

Индивидлараро никоҳ ва оила, яъни, эркак ва аёл ҳамда уларнинг болаларидан иборат гуруҳ доим мавжуд бўлган. Никоҳ жинслараро муносабатларнинг социал ташкилланиши бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Оила Кодексининг 2 бўлимига кўра, никоҳ – бу эркак ва аёл ўртасидаги эркин, ихтиёрий, тенг иттифоқ бўлиб, оила тузиш ва эр-хотиннинг ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятларни бажариш мақсадида тузилади¹. Оила эса – мураккаб социомаданий институт сифатида инсон ҳаётининг фаолиятининг барча жабҳаларини қамраб олади ва уникал ва такрорланмас ҳодиса саналади. Глобаллашув ва модернизациялаш жараёнлари оиланинг индивидуаллашуви ва автономлашувини ўсишига олиб келди. Бунинг оқибатида ажралишлар сони ошади, туғилиш даражаси тушиб кетади, никоҳсиз фарзандлар туғилиши ўсади, ёлғиз инсонлар сони ошиб боради. Буларнинг барчаси хорижлик кўплаб тадқиқотчиларни оила инқирози, ҳаттоки, унинг социал институт сифатида таназзули ҳақида гапиришларига туртки берди. П.Сорокин оила институтининг «чуқурлашиб бораётган инқирози» деб номлаган вазиятнинг эмпирик исботини уни таназзул ва деградация сифатида эмас флуктуация, интеграция – дезинтеграция, деб номлайди². Оиланинг жамиятда тутган ўрни ва ролини бошқа социал институтлар билан қиёслаб бўлмайди. Зеро, айнан оилада шахс шаклланади ва ривожланади.

Оиланинг ривожланиши, янгиланиши истикболлари нуқтаи назардан ёш оила алоҳида социал қимматга эга. Диссертант ёш оила сифатида эр-хотиннинг ёши 30 дан ошмаган, 5 йиллик биргаликдаги ҳаёт тажрибасига эга, расмийлаштирилган никоҳ доирасидаги оилани назарда тутишни таклиф этади. 5 йилгача биргаликдаги ҳаёт тажрибаси давомида эр-хотин ўртасидаги муносабат хусусиятлари шаклланади. Ҳали никоҳ танлови таъсири остида бўлган оилавий

¹ Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси / Ўзбекистон Республикасининг қонунлари тўплами, 2007 й., 14 сон, 133 модда; 2008 й., 16 модда. – Б. 117.

² Голод С.И. Семья и брак: историко-социологический анализ. – СПб, 1998. – С. 4

жуфтликнинг бир-бирига мослашуви жараёни кечади. 30 ёшдан ошмаган оилалар танланиши эса илмий ва ҳуқуқий манбаларда қабул қилинган «ёшлар» тушунчасига мутаносиб тарзда олинган. Никоҳнинг босқичма босқичлиги – биринчиси – муаллиф оилавий ҳаёт тажрибасига эга бўлмаган эр ва хотин муносабатларини ўрганиши билан изоҳланади.

Модернизациялашган ўзгаришлар жамиятнинг барча соҳаларида содир бўлади ва бунда оила-никоҳ муносабатлари мустасно эмас. Замонавий оила жаҳоннинг кўплаб мамлакатларида нуклеар бўлиб, у икки авлод, яъни, ота-она ва фарзандлардан иборатдир. У ўзида модернизациялашув жараёни ва унинг оқибатларини акс эттиради. Ғарб давлатлари тажрибаси кўрсатишича модернизациялашув жараёнида оилавий муносабатлар шакли диверсификациялашиб боради. Европа ва Шимолий Американинг айрим давлатларида бир жинсли никоҳлар қонунлаштирилган. Ноанъанавий оилалар анъанавий оилалар қатори юридик ҳуқуқларга эга.

Оила модернизацияси бутунжаҳон миқёсида бўлгани каби, Ўзбекистонда ҳам шахс ҳаётининг эркак ва аёл, катталар ва болалар ўртасидаги муносабатлар ва бошқалар каби кўп қирраларини қамраб олади. Мазмунан оила соҳасида анъанавий тартиблар, роллар ва стереотипларнинг секинлик билан заифлашуви содир бўлмоқда. Ўзбекистон бу ўзгаришлар сезиларсиз ўтаётган мамлакатлар қаторидадир. Оиланинг муҳокамага сабаб бўлаётган ўзгаришининг белгилари йиғиндиси оила трансформацияси деб номланаётган жараённи бошидан кечириётган бўлиб, замонавий оила шаклига ўтиш содир бўлмоқда. Замонавий шароитда ёш оиланинг социал функциялари ўзгармоқда. Оиланинг иқтисодий функциялари қайта ўзгаришларни бошидан кечирмоқда. Зеро, бозор муносабатлари оилани патерналистик ва боқимандалик нуқтаи назаридан англашдан воз кечишни тезлаштирди. Натижада оилани сақланиши – оиланинг ўз кўлида эканлиги тушунчаси мустаҳкамланди.

Замонавий ёш оиланинг ривожланиши кўпчилик ҳолатларда оилавий муносабатларда шахсий салоҳиятнинг роли ва аҳамиятини ўсиши билан боғлиқ. Бу бозор муносабатлари, ҳуқуқий давлат, ахборот технологияларига ўтиш каби омиллар билан шартланган. Улар ўз ўрнида шахснинг ижодий салоҳиятини янада очилиши, унинг социал мослашиш имкониятларини ўсишини талаб этади. Натижада оиланинг мазмунан муҳим янги бир функцияси – персоналитар (лотинчадан, *persona* – шахс) функциясини туғдирди. Бунга кўра, шахснинг индивидуаллиги, ҳуқуқ ва эркинликлари олий қадрият бўлган оила тури шаклланиб, унинг ҳар бир аъзоси, жумладан, ота-оналар ва болалар учун ижодий ривожланиши ва ўзлигини намоён этишда шарт-шароит яратилади. Бунда шахс фазилатларини эъозлаш, меҳр-муҳаббат ва умумризоликка таянилади. Эҳтимол, оиланинг персоналитар функцияси истиқболда оиланинг ахборотлашган жамиятда мазмунини белгилаб берувчи етакчи, белгиловчи функцияга айланиши мумкин.

Замонавий ёш оиланинг ўзига хослиги ёш даври бўлиб, бунда ёшлар оила тузиш даври ва ижтимоийлашув жараёнининг маълум босқичидан бир пайтда ўтиш керак бўлади. Ушбу босқичда нафақат оила қуриш, балки, таълим олиш, иш қидириш, касбий ўзлигини англаш, оилавий турмушга руҳан мослашиш, болалар туғилиши, ёш оиланинг роли тузилмасини шаклланиши бир пайтда содир бўлади.

Ёш эр-хотин оилавий турмушнинг мазкур босқичини қанчалик муваффақиятли ўташи келажакда ўз оилавий иттифоқининг барқарорлиги ва мустаҳкамлигини таъминлайди. Моддий ва молиявий таъминланганлик даражасининг пастлиги ҳам муҳим белгилардан бири саналиб, унинг натижасида ёш оила – ота-оналарига нечоғлик боғлиқлиги аниқланади.

Ёш оила муаммоларининг илмий таҳлили ўз ичига қуйидагиларни қамраб олади: 1) унинг таркибий қисмлари социал мақомининг бирламчи ҳолатини баҳолаш; 2) беқарорлик шароитида оиланинг ижтимоий соғломлигининг динамик модели (мониторинг); 3) кризисли вазиятни енгиб ўтишда оилани ижтимоий қўллаб-қувватлашнинг устувор жиҳатларини танлаш; 4) аниқ чора ва тавсиялар, оилани қўллаб-қувватлашнинг самарали тизимини яратиш; 5) минтақавий дастурлар ва ижтимоий ишнинг натижаларини прогнозлаш.

Оила институти тарихий даврларда индивидга эмас кўпроқ жамиятга хизмат қилган. Фақат бизнинг кунлардагина оила кичик гуруҳ сифатида алоҳида шахснинг ҳаётий зарур тузилмасига айланмоқда. Ўзаро алоқа ичидаги ўзаро бўйсунгалик иерархияси «жамият-оила-индивид» шаклидан «индивид-оила-жамият» шаклига кирмоқда. Мазкур бурилиш – Ўзбекистонда оила институти модернизациялашувининг негизини ташкил этади. Бунинг икки таянч шакли мавжуд: (эрнинг етакчилиги, эр-хотинликнинг муқаддаслиги, кўп фарзандлилик, ажримларнинг қораланиши) ва модернизациялашган (эр-хотин шерикчилиги, кам фарзандлилик, оила тузилмаси турфа хиллиги). Ўзбекистонликларнинг кўпчилиги оила таназулига салбий муносабатда (93,9%). Аммо, ушбу тенденция сўнгги йилларда ёш оилалар ўртасида ўсмоқда. Кузатишларга кўра, айнан ёш оилалар ажралишларга мойил.

«Ёш оилалар билан ишлашни ташкил этишнинг ўзига хос хусусиятлари» деб номланган иккинчи бобда диссертант ўтказилган социологик тадқиқот натижаларига кўра ёш оилалар нуқтаи-назаридан долзарб муаммолар таҳлилини амалга оширган. Ёш оилаларга йўналтирилган давлат оилавий сиёсатининг стратегик мақсадларига муносиб ҳолда уларга қўмаклашишда зарурий шарт-шароитларни яратиш борасида таклиф ва тавсияларини ишлаб чиққан.

Кенг маънода оилавий сиёсат – бу давлатнинг оилани қўллаб-қувватлаш мақсадида амалга ошираётган барча ҳатти-ҳаракатларини қамраб олади. Шу орқали давлат оилага ўз таъсирини ўтказди. Оилавий сиёсат соғлиқни сақлаш, таълим, ижтимоий ҳимоя, атроф-муҳитни муҳофазалаш каби соҳаларни қамраб олади. Тор маънода – болалари бор оилаларни қўллаб-қувватлаш бўйича оила қонунчилигида кўзда тутилган аниқ чора-тадбирлар назарда тутилади.

Диссертантнинг фикрига кўра, оилавий сиёсат умумижтимоий сиёсатнинг битта йўналиши бўлиб, оила ва давлат ўртасидаги шериклик муносабатларининг янги сифатларини ўзида акс этади. Бу муносабатлар қонун орқали тартибланган бўлиб, оиланинг амалдаги ҳуқуқ ва манфаатларини кафолатлайди, оила-шахс-давлат манфаатлари ўртасидаги мувозанатни ушлаб туради.

Ёш оилаларга йўналтирилган давлат сиёсатида мажбуриятлар мувозанатини таъминланишида ёш оиланинг давлат ва жамият олдида ўз ижтимоий-демографик функцияларини бажаришдаги ҳуқуқ ва мажбуриятларига риоя этиш талаб

этилади. Оила ҳуқуқи ва суверенлигига риоя этилар экан давлат унинг ички ҳаёти, эр-хотин, ота-оналар ва болалар ўртасидаги муносабатларга аралашмайди. Заруриятга қараб бу аралашув меъёр доирасида, оила аъзоларининг ҳуқуқий ва қонуний манфаатларини паймол этмасдан Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари ҳамда маънавий талаблар доирасида амалга оширилади.

Барча давлатлар оилани қўллаб-қувватлашга йўналтирилган сиёсат ёки инфратузилмага эга. Аммо, кўпчилик ҳолатларда бу умумий оилавий сиёсат ёки оилани қўллаб-қувватлаш умумстаретегиясининг маълум бир қисми саналмайди. Тарихан биргина Франция аниқ ва яхлит оилавий сиёсат юритган. Франция, Бельгия ва Люксембургда Иккинчи жаҳон урушидан сўнг оилавий сиёсатга алоҳида эътибор берилди бошланди. Айнан, ушбу давлатларда бугунги кунда оилавий сиёсатнинг шаклланган концепцияси мавжуд. Мазкур давлатлар оилавий сиёсатининг амалий қисми етарлича яхши ривожланган бўлса-да, назарий асослари турличадир. Скандинавия давлатларида оилавий сиёсат концепцияси мавжуд эмас. Шундай бўлса-да амалиётда оналар, болалар ва оилалар учун қулай шарт-шароитлар яратилган. Бунга аёлларни меҳнат фаолиятини давом этиш, гўдақларга энагалик инфратузилмаси ҳам киради. Ғарбий Европа давлатлари учун асосий тамойил фуқароларнинг шахсий ҳаётига аралашмасликдир¹.

Ёш оила эса ўз томонидан ижтимоий-демографик функцияларини тўлақонли амалга ошириш мажбуриятига эга. Оиланинг бу шакли ўз ҳаётий ва репродуктив тартибларини ўзини-ўзи таъминлаш ва ўз ўзидан ривожланиш тартиблари асосида шакллантириши ва ривожлантириши мумкин. Бироқ ёш оилаларга йўналтирилган самарали оилавий сиёсатни шакллантиришда, бизнингча, нафақат қайд қилинган расмий никоҳ муносабатлари, балки, амалда биргаликда яшаш, умумий хўжалик юритиш, ўзаро муҳаббат ва ғамхўрлик, умумий фарзандга эга бўлган социал воқелик ва тенденцияларни ҳам эътиборга олиш шарт. Статистик маълумотларга кўра, Ўзбекистон оналарнинг (биринчи фарзандини туғган) ўртача ёш кўрсаткичлари бўйича нисбатан «ёш» давлатлар қаторидан ўрин олган. Биринчи боласини туққан аёлларнинг ўртача ёши - 23,4 ни ташкил этса, иккинчи боласини туққанлар – 25,8 ёш, учинчи ва ундан кейинги болаларини туққанлар – 30,3 ёшни ташкил этади². Ўзбекистон оилаларига икки ёки уч фарзандли оила модели хос бўлиб, ушбу оилаларнинг репродуктив мақсади ўртача фарзандли оилани яратишдан иборатдир. Буни республикамизда уч (31,7%) ёки икки (25,2%) фарзандли оилалар кенг тарқалганлиги борасидаги маълумотлар ҳам тасдиқлайди³.

Таълим олиш даврининг чўзилиб кетиши ёшларнинг меҳнат фаолиятини бошлаши ва профессионал етукликка эришишини орқага суриб юборади. Шу билан бирга ёш оилаларнинг молиявий мустақиллик ва моддий фаровонликка эришиш даври ҳам орқага сурилади. 18-24 ёшдаги ёшлар – бу асосан талабалар ва касбий тайёргарликни тугатган ёки тугатиш арафасида турган ёшлардир.

¹ Артюхов А.В. Государственная семейная политика и ее особенности в России // Социологические исследования. – 2002. – С.180.

² Цхай Л.А. К вопросу о рождаемости в Узбекистане //Демоскоп. Weekly № 617-618. 3-16 ноября 2014. <http://demoscope.ru/weekly/2014/0617/analit02.php>

³ Икки ёки уч фарзандли оила модели <http://uzbekistan.org/newsite/ru/post/a745d506/>

Таълимни яқунланиши билан улар меҳнат бозорига кириб келишади ва ушбу бозордаги энг заиф қатламга айланади. Сабаби, ёшлар етарли профессионал ва ижтимоий тажрибага эга эмаслиги туфайли рақобатбардош эмасдирлар.

21-24 ёшда касбий фаолиятнинг бошланғич босқичи кузатилиб, ташкилотга кириб бориш ва унда ўз ўрнини топиш билан хусусиятланади. Одатда ёш мутахассислар дастлаб паст ойлик маоши эвазига касбий фаолиятни юритишларига тўғри келади. Натижада, иккиламчи даромад манбаига бўлган эҳтиёж ёш мутахассисларни бошқа шаҳардан иш қидириш ва хорижга кетишга турткилайди. Бу сўзсиз ёш оиланинг бутунлиги ва тўқислигига путур етказди.

25-29 ёшдаги ёшлар асосан бу профессионал танловни амалга оширадilar, маълум малака ва ҳаётий ҳамда профессионал тажриба ҳосил қилади. Юқори маошли лавозим ва уни эгаллашга даъвогарлик қилаётган ёш мутахассиснинг касбий малакаси ва имкониятлари орасида жиддий фарқ мавжуд бўлиши мумкин.

Ёш оила бутунлигини сақлашда муҳим роль ўйнайдиган ҳолатлардан бири бу, ҳозирда ёш оилаларга ижтимоий хизмат кўрсатиш соҳаси етарлича ривожланмаганлигидир. Ёш оилаларга манзилли ижтимоий хизмат кўрсатиш соҳаси ижтимоий ҳимоя тизимининг алоҳида категорияси сифатида ажратилмаган ва ижтимоий хизмат кўрсатиш муассасалари фаолиятининг йўналиши сифатида қатъий ўрнатилмаган. Оилалар бўйича юритиладиган умумий ишлар қаторида одатда болага кўмак пули ажратилади. Ёш оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлашни ташкил этиш ва амалга оширишнинг нисбатан самарали усули бизнингча, органлар ва муассасаларнинг ички мувофиқлаштирилган мажмуали фаолияти асосида мақсадли дастурларни ишлаб чиқишдан иборат. Мақсадли ижтимоий дастур ёш оилаларнинг нисбатан кескин муаммоларини қамраб олиш имконини беради. Уларни ечимини топишда маҳсулдор ва тежамкор фаолият воситаларини қўллаш имконини берувчи оптимал концептуал ёндашувларни ишлаб чиқиш асосларини яратади.

Диссертация ишининг учинчи боби **«Ўзбекистонда жамиятни модернизациялаш шароитида ёш оилалар барқарорлиги омиллари»** мавзусида бўлиб, мазкур бобда диссертант томонидан Қорақалпоғистон Республикасида ёш оилалар иштирокида ўтказилган амалий эмпирик тадқиқот яқунларининг иккиламчи қайта ишланишидан олинган социологик маълумотлар таҳлил этилган. Таҳлиллар асосида жамоатчилик онгида оила ва никоҳ институтига муносабат, оилани тузиш ва оилавий турмуш тарзини юритиш борасида етуклик даражаси ўрганилган. Модернизациялашаётган жамият шароитида ёш оилалар трансформацион жараёнларни қай тарзда бошидан кечираётганлигининг социал индикаторлари аниқланган¹.

Республикамизда доимий аҳоли сони 2015 йил ҳолатига кўра, 31022,5 минг кишини ташкил этиб², ёш оилалар оилалар ялпи сонининг 7/1 қисмини ташкил

¹ “Ёш оила барқарорлигининг омиллари” мавзусидаги анкетали сўровнома 2015 йилнинг январь-февраль ойларида Қорақалпоғистон Республикасининг 11 туманида ўтказилди. Тадқиқотда иштирок этиш учун ушбу туманларда истиқомат қилаётган 500 та ёш оила таркибида 2153 киши саралаб олинди. Улардан 547 киши шаҳарда, 1606 киши қишлоқ жойларида яшайди. Респондентларнинг жинсий кесимдаги таркибига кўра эркаклар – 57,2%, яъни, 286 киши, аёллар – 42,8%, яъни, 183 кишини ташкил этди.

² Аҳоли бўйича давлатлар руйхати https://uz.wikipedia.org/wiki/Aholi_bo%CA%BBiyicha_davlatlar_ro%CA%B Vuxati

этади. Қорақалпоғистон Республикаси аҳолиси 1791.1 кишидан иборат¹. Оилалар ялпи сони 359 701 та бўлиб, шундан 30 ёшгача бўлган ёш оилалар миқдори 52 697 тани ташкил этади. 2015 йилгача бўлган давр давомида Қорақалпоғистонда 17 ёшдан 44 ёшгача бўлган аҳоли қатлами репродуктив функциясини сақлаб турган қатлам сифатида қабул қилинган².

Ўтказилган социологик тадқиқот натижаларига кўра ёш оилалар нуқтаи-назаридан қуйидаги икки долзарб муаммолар блоки ҳосил бўлди:

- моддий таъминланганлик, тураржой ва ёш оилавий жуфтликнинг иш билан бандлиги муаммоларини қамраб олувчи ижтимоий-иқтисодий блок;

- ёш эр-хотиннинг бир-бири, янги вазият (роллар, стереотиплар ва ҳулқ-атвор стиллари алмашинуви) ва янги қариндошларга мослашишини қамраб олувчи ижтимоий-психологик муаммолар блоки.

Тадқиқот давомида деярли ҳар олтинчи сўралган (ўртача 15,6%) 3 йилдан 5 йилгача оилавий турмуш тарзини бошидан кечирган оилалардан иборат бўлди. Тадқиқотдан маълум бўлишича оила қуриш учун бош мотив севги, муҳаббат (63,4%) туйғусидир. Уларнинг деярли ҳар иккинчиси (53,9%) 1 та фарзандли бўлса, ҳар учинчиси (36,7%) икки фарзанднинг ота-онасидир. Уларнинг мутлақ кўпчилиги (68,5%) фарзанд кўришни истайдилар. Демак, тадқиқотда иштирок этган 30 ёшгача бўлган ёш оилалар ўртача бир-икки фарзандли ёш оилалардир. Ушбу ҳолат Ўзбекистонга хос бўлган оилаларда никоҳ муносабатлари ўрнатилишида анъаналарга таянилишига қарамасдан, янги тенденциялар яъни, замонавийлашув содир бўлаётганлиги, оила қуриш арафасида турган ёшлар турмуш ўртоғини танлашда ички, субъектив омилларни устувор, деб билишларидан дарак беради.

